

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 40 (66015)
1997 йил, 28 май, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Кабутар қанотидаги мактублар

ГАЗ КЕЛДИ

Бизнинг 40-мактабимизга газ келди. Оғиримизни енгил қилиш учун ишлаган газ қурувчилари-ю ўқитувчиларимизга қандай миннатдорчилик билдиришни билмаймиз. Энди яна ҳам аъло ўқиймиз-да. Ўқиш — бизнинг вазифамиз.

Гулноза ШАРОПОВА,
Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 40-мактабнинг 9-«В» синф ўқувчиси.

ФИДОЙИ БЎЛИШ КЕРАК ЭКАН

Тошкент Давлат маданият олийгоҳининг V курс толиби Отабек Мардонов келиб: — Икки ой ўқишдан бушман. Сизнинг 8-«Б» синфингизда ишлаб, маҳоратимни синайман. Биргаликда, рози бўлсангиз Фарҳод Файзиёвнинг «Уч» асарини сахналаштирамиз, — дедилар.

Бир қарашда спектакль қўйиш осондек туюлди. Аммо уни ҳақиқий сахнага олиб чиққунча куп қийналдик.

Ниҳоят, А. Назаров номли жамоа ҳужалиги клубида мактабдошларимизга ва ота-оналаримизга асарни кўйиб бердик.

Қарсак ва олқишлар натижасида тушундикки, санъаткор чиндан ҳам фидойи бўлиши керак экан! Мактабимиз директори Эргаш ака Раҳмонов бизни қўллаб-қувватлаб турмаганларида, ширин уйқудан, бекорчи уйин-қулгулардан кечмаганимизда биздан «артист» чиқармиди?

Гулноза РАҲМОНОВА,
Салтанат МУҲАММАДИЕВА,
Самарқанд вилояти, Каттакўрғон туманидаги Шароф Рашидов номли 11-мактабнинг 8-«Б» синф ўқувчилари.

СПОРТ ЗАЛИ ҚУРИШСИН-ДА

Синфимиз ўқувчиларига математика фани чуқурлаштирилиб ургатилади. Шунданми, мулжални беҳато оламиз. Қизларимиз баскетбол буйича туманда тилга тушган. Уғил болаларимиз эса футболда. Бунинг сабаби, қаҳратон қишда ҳам машғулотларни спорт залимиз йўқлиги туфайли ташқарида утишимиздан бўлса керак. Спорт зали-

ни қўя турайлик, мусобақалашаётганларга «хой-хуй», деб турганларга утириш учун тахта — уриндик ҳам йўқ.

Билмадик, бизнинг мулжални беҳато олишимиз газетанда мақола чоп этилгач, қандай буларкин?

Хуршида ТОШТЕМИРОВА,
Фаргона вилояти, Бешарик туманидаги 28-ўрта мактабнинг 7-«А» синф ўқувчиси.

БАҒРИ ҲАМИША ТЎЛИҚ

Мустақиллик инояти сифатида Республикада ташкил этилган масканлардан бири 309-Республика шарқ тиллари лицейидир.

Лицейга ўқувчилар 8-синфдан бошлаб танлов асосида қабул қилинадилар ва унга кириш синовлари ҳеч ким учун чегараланмаган. Дастури янгича: замон талаблари асосида бўлган лицейда турли мамлакат элчихоналаридан вакиллар тез-тез келиб, уз тажрибалари билан уртоқлашадилар. Жумладан, Покистон, Эрон, АҚШ каби давлатларини айтиб утиш мумкин. Хорижий меҳмонлар ўқувчиларнинг билим доирасини кенглигини тан олмақдалар. Лицей қошида бир неча кичик ва катта илмий академиялар фаолият курсатиб турибди. Мавжуд муаммо ёки саволлар асосида бизлар, уз устозларимиз билан ҳамкорликда купгина талбир-йигинлар, суҳбат ва баҳслар утказамиз. Жумҳурият миқёсида утказилаётган турли олимпиадаларда лицей ўқувчилари совринли уринларни эгаллаб келмоқдалар.

Лицей хорижий тилларни урганишга ихтисослашган экан, унда тил кафедралари мавжуд. Бу кафедраларнинг асосий вазифалари эса — кучли методика асосида ўқувчиларга билим беришдан иборат. Бу билан бирга лицейда бошқа дунёвий назарий фанлар буйича билим бериш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ва жиддий эътибор билан ўқитилади. Мен бу гапларни нега ёздим? Негаки, бу йил она лицейни тарк этипман. Ниятим ҳамиша гавжум, ҳамиша мақтовга лойиқ бўлиб қолсин, бу даргоҳ!

Барно САИДҚАРИМОВА,
Тошкентдаги 309-республика шарқ тиллари лицей ўқувчиси.



*Далалардан келар ёзнинг нафаси,
Не сирлар яширин баҳор гулида?
Эй, қуёш ишқидан пайдо қизалоқ,
Баҳорлар бисёрдир сенинг йўлингда.*



Бир қоп цемент неча кило келади? Туғри, нақ 50 кило! Бунчалик оғир қопни сиз туғул, паҳлавон дадангиз ҳам ба-зур кутаради. Кутарганда ҳам унчалик қулаймас-да. Бекободдаги цементчи амакиларингиз бу ишда жуда оқилона йул тутишди. Улар «Стройминсервис» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда Эроннинг «Пед-

ран» компаниясидан цемент қоплаш ускунасини сотиб олишди. Энди цемент тукма ҳолдагина эмас, турли сизимлардаги қопларга қопланадиган бўлди.

Бу ускуна қоплаган беш-ун килолик цементни дадангизнинг кумагисиз ҳам кутариб кетаверасиз.

Сирларе ГРЭСида бир соатда қанча газ ёқилишини биласизми? Нақ... 480 минг кубометр! Бундай йирик иссиқлик электростанцияларимиз анчагина: Янгиангрэн, Навоий, Тахта-тош, Тошкент ГРЭСлари... Яна газни аҳоли ҳам кундалик турмушда тинимсиз ишлатишини ҳисобга олсак бу рақам янада каттариб кетади... Газни фақат ёқиб эмас, ундан турли кимёвий маҳсулотлар олиш ҳам мумкин. Фақат унинг уринини алмаштирадиган арзон ва зарарсиз энергия манбаларини топиш керак. Бир уйлаб қуринг-

чи, юртимизда яна қандай арзон ва зарарсиз қувват манбалари бор экан?!

Ҳиндистонда эса янги ёпилги турига асос солинди. Ҳиндистон урмонларида усувчи бир усимликнинг қайнатмаси қўйилган автомобиль синовчи комиссияни лол қолдирганча олға интилди. Ҳозир Ҳиндистон Технологиялар институти ва ҳукумати мутасаддилари бу арзон ва беминнат ёпилгини саноатлаштириш устида бош қотирмоқдалар. Бу утнинг номи нима экан? У биз томонларда ҳам усармикин? Мехри-

гие деган ут шудир балким? ***

Бухоро шаҳридаги Зарафшон маҳалласида тенгдошларингизнинг ота-оналарига яна бир қулайлик яратилди. Шу маҳаллада талбиркор амакингиз Расулжон Мухторов бошлиқ «Вектор» фирмасининг нон ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқиш цехи ишга тушди. Мухтор амакингиз фақат нон ёпил билангина чекла-ниб қолмоқчимас. У болаларга ҳам мулжалланган маҳсулотлар чиқариш ниятида. Сиз бу фирмадагилар болалар учун қандай маҳсулотлар тайёрла-шини истардингиз?!



«ТОШКЕНТ ҚИТЪАЛАР ЭКРАНИГА АЙЛАНДИ»

Қарийб, бир ҳафтадан бери улкамизда узгача бир байрам нафаси кезиб юрибди. У ҳам булса, «Кино байрами».

Пойтахтимизнинг муҳташам биноси «Халқлар дустлиги» саройида Халқаро Тошкент XII кинофестиваль тантанали равишда очилган соатлардан бошлаб, ҳар қадамда фестиваль руҳини ҳис қила бошладик дейиш мумкин.

Радио тулқинларию, «Ойнаи жаҳон»да ҳам, газеталар саҳифаларию, куча-куйда ҳам асосий мавзулардан бири, ана шу — кинофестиваль бўлиб қолди. Бунинг сабаби бор албатта. Чунки, ҳар қандай байрам аввало, хурсандчилик олиб келади. Кинофестиваль-ку, инчунун!

Дуненинг унлаб мамлакатларидан ташриф буюрган киноижодкорлар иштирокидаги бу анжуман узининг мавзу ва мундарижасининг кенглиги ва ранг-баранглиги, унутилмас учрашувлару-танишувларга бойлиги билан бошқа шодиеналардан ажралиб туради.

Шу маънода, бугун азим Тошкентни «ҚИТЪАЛАР ЭКРАНИ» дейиш мумкин. Яна ҳам бошқачароқ қилиб айтадиган булсақ, «битта экранда бутун дунё уз аксини топмокда». Яъни, ушбу кинофестиваль шиори булмиш «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» деган сузлар ер юзидаги барча эзгу ниятли кишилар учун ҳам азиз ва қадрдон эканлигидан дарак бериб турибди.

«Биродарлик» голяларидир.

Худди ана шу ҳолат ва кайфиятни биз азиз анжуман иштирокчилари билан мулоқотлар чоғида ҳам юрак-юракдан ҳис қилдик.

«БИЗ ХАМ ИМТИҲОН ТОПШИРАЯПМИЗ!...»

Биз кинофестиваль уз ишини бошлаган кунлари олис Япониядан ташриф буюрган киноактёр Хироси Абе билан учрашдик ва у узининг илк таас-

ри булиб, ҳозир имтиҳон топширишгаётган экан. Уларнинг хуш кайфиятларини, қувноқликларини куриб суюндим.

Аслини олганда, биз киносанъаткорлар ҳам шу кунларда имтиҳон топшираяпмиз. Кинофестиваль бу — катта имтиҳон. Мен ана уша Тошкентлик укучиларга ҳам, дуненинг турт тарафидан келган ҳамкасбларимга ҳам «имтиҳон»лардан фақат аъло баҳо олишларини талаб қоламан!...»

кечириб юборади. Ва унинг бу муносабати уша жанжалкаш болаларга ҳам қаттиқ таъсир қилади. Уларни яхшилик тарафга узгартириб юборади...

Болалар, бу фильм сизларда ҳам қизиқиш уйғотган булса керак-а? «Ҳа» деяверинг! Сизлар ҳам бу фильمنى томоша қилгингиз келиб қолгани аниқ.

Республикамиз киносанъаткорлари сизу-бизларга ҳам ана шунақа фильмларни томоша қилиш имкониятини яратиб бердилар деган умиддамиз...

«СОВРИНЛАР ГОЛИБЛАРНИ КУТМОҚДА»

Шундай қилиб, Халқаро Тошкент кинофестивали кутаринки руҳда давом этаётган.

Қизиқарли учрашувлару унутилмас таассуротларга тула бу кунлар бир-бирини қувалаб утиб бормоқда.

Кинофестиваль голиблари ҳақида эса олдиндан бирон нима дейиш қийин албатта. Кимгадир «Олтин Хумо», кимгадир «Олтин арча», кимгадир «Олтин лола», яна бошқа кимгадир «Семург» совринлари насиб этади.

Чунки, кинофестиваль ҳам кино ижодкорларининг узига хос, мусобақаси, «катта имтиҳони» ҳисобланади-да!

Шундай булгандан кейин, кимдир «аъло», кимдир «яхши», кимдир «қониқарли» баҳо олиши табиий.

Чунки, имтиҳон қоидаси узи асли шунақа булади. Шундай эмасми?!...

Эркин УСМОНОВ.

Учрашувлар давом этади...

Узбекистон Республикаси президенти Ислам Каримовнинг Тошкент Халқаро кинофестивали қатнашчиларига йўлаган табригида айтилганидек, «Тошкент киноанжумани инсонлар қалбига ёруғ орзулар бахш этишга, эрк, озодлик, тинчлик, ҳамжихатлик, дустлик ва биродарлик голяларини синдиришга, мамлакатлар ва халқларнинг маданиятини узаро боғлашга, яқинлаштиришга, ер юзида узаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қилади...». Худди ана шу нарсаларни кинофестиваль кунлари намойиш этилаётган фильмларда ҳам куришимиз мумкин.

Кинофестиваль конкурсига тавсия этилган 14 та фильм орасида малайзиялик киноижодкорларнинг «Оқ ипак», грузиялик киносанъаткорларнинг «Утмиш соялари», қозғистонлик киночиларнинг «Абайнинг ёшлик йиллари», Ҳиндистоннинг «Сардори бегим», узбекистонлик киноусталарининг «Буюк Амир Темур» ва «Ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланган эди» сингари картиналари бор.

Ана шу асарларнинг номида ноқ куринадики, жаҳон киносанъаткорларини ягона бир мақсад, бир муддао муштарак этиб туради. У ҳам булса, юқорида таъкидлаб утганимиз, юртбошимиз табрикномасида тилга олинган «Озодлик», «Тинчлик», «Ҳамжихатлик», «Дустлик» ва

суротлари ҳақида сузларкан, жумладан шундай деди:

Серқуёш улкамизда бир неча кундан буён давом этаётган XII Тошкент Халқаро кинофестивалида жаҳоннинг 32 мамлакатидан ҳамда саккиз халқаро ташкилотдан кино ва санъат арбоблари, олим ва мутахассислар иштирок этишмоқда. «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида утаётган мазкур киноанжуман қатнашчилари мустақиллик йилларида Узбекистон эришган ютуқлар, меҳмондуст ва бағри кенг халқимиз билан яқиндан танишиш имкониятига эга булдилар. Фестиваль эса давом этапти.

«Мен, Узбекистон деб аталадиган бу ажойиб мамлакатга биринчи марта келишим. Шунинг учун булса керак, худди узим учун янги бир оламни кашф этгандек ҳаяжондаман.

Биз Тошкентга авжи баҳор пайтида келибмиз. Баҳор, бу гузал фасл. Боз устига, бу ердаги одамларнинг очик чехралари, меҳмондустликларию самимиятлари табиат куркига янада курк бағишлагандек. Кеча меҳмонхона қаршисидаги майдонда бир неча қизлар — болалар билан учрашиб қолдик. Улар мактаб битирувчила-


«ДИПУ ДЕГАН БОЛАНИ БИЛАСИЗМИ?...»

Халқаро Тошкент кинофестивалига юборилган хорижий фильмлар орасида Бангладешлик киноусталарининг «2-рақамли Дипу» номли бадиий фильми ҳам бор.

Бир оғиз суз билан айтадиган булсақ, бу фильм сиз — болалар ҳақида.

...Фильм қаҳрамони Муҳаммад Аминул Алан деган бола. Лекин уни «2-рақамли Дипу» деб аташади. Бунинг сабаби, у футбол уйинларида доим иккинчи ҳужумчи сифатида иштирок этади.

Кунлардан бир куни ана шу бола — Дипуга учта бола яъни унинг рақиблари ҳужум қилиб, уртага олиб дуппослашади. Лекин, Дипу ақлли ва беозор, кунглида кири йуқ бола булгани учун уларга учакишмайди, улар билан олинмайди, балки



Тошкент шаҳридаги 173-мактаб остонасига қадам қуярканман ажойиб бир шодиенанинг гувоҳи булдим, мактаб ҳовлиси устозу-шогирдлар, мактаб фахрийлари, ота-оналару меҳмонлар билан гавжум. Сунгги кунгироқ тантанасига ташриф буюрган Чилонзор туман Халқ таълими бўлимининг назоратчиси Инобат Кучқорова, мактаб фахрийси Эргаш ота, устозлар ва ота-оналар битирувчиларни қутлаб, уларга ОМАД тилардилар. Айниқса Инобат опанинг дилномалари қалбларни ориқтириб юборди.

Баҳорнинг маъсума куши қалдирғочнинг илк парвози бизларга олам-олам қувонч, шодлик улашади. Мен Сизларни ана шу қалдирғочларга қиёс қилгим келади:

Илк парвозинг қутлуг булсин қалдирғочим, яхши бор.

Йулинг бахтта тулик булсин қалдирғочим яхши бор...

Секин қалдирғочларга назар соламан ва унда узимга таниш булган ҳаяжонни кураман. Беихтиёр мактаб даврларим эсга тушади. Шунда битирувчи йигитлар, қизлардаги ҳолат менга ҳам юқади. Айниқса 11-«Б» синф битирувчиси Гулноза Унгарованинг уйлари, тилаклари булакча:

— Биласизми, ҳеч ҳам мактабдан кетгим йуқ. Бегубор

СЕНИ СОФИНАМАН, МАКТАБИМ!..

болалик наъшаси билан яшашни хоҳлайман. Синфдошларимсиз қандай яшашни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайман, ҳаёлимда худди таътил тугагач яна сентябрь ойидан мактабга келадигандайман.

Гулнозанинг гапларини энди Дилмурод Алимов давом эттириб кетади:

— Мана бир пасда 11-синфни ҳам битириб қуйибмиз. 5-, 6-синфларда устозларимиз «мактаб — иккинчи

уйингиз», — дейишса кулардик, энди мактабни битириш арафасида бу гапнинг маъносини тушуниб етйапмиз. Чунки қадрдон устозлар, бир оила фарзандидек булиб қолган синфдошлар билан ажралиш оғир буларкан. Билмадим, (кулиб) агар биз ҳам қиз бола булсақ Гулнозага ухшаб йиглаб юборармидик, а Гулноз?

— Биз илк бор мактабга келган кунимиздан бошлаб то шу кунгача кузимизга нур, қалбимизга шуур берган азиз

устозларимизни ҳеч қачон унутмаймиз, — дейди Камола Зокирова, — биз қасрда булмайлик қадрдон мактабимиз ва меҳрибон устозларимиз номига доғ туширмасликка ҳаракат қиламиз.

Эътиборимизни яна Гулнозанинг мактаб формасида ортиқча безакларсиз келганлиги тортди.

— Гулноза нега энди бугун ҳам кундалик мактаб формасида келгансан?



Дилрабо ДАВЛАТОРА

ЭНГ УЗУН ВА ЭНГ ЗАВҚЛИ КУНЛАР

Ниҳоят... сўнги кўнгирак садолари янграб, ўқувчилар учун орзиқиб қутилган таътил—энг узун ва энг завқли кунлар бошланди. Бағри меҳр қуёшидай иссиқ ёз энг сўлим гўшалари: муаззам сувлари оҳиста-оҳиста оқувчи дарё бўйларини, мажнунтоллар соч ёйган соя-салқин оромгоҳларини, тошли қалбиданда гулу чечаклар ундирган ҳайбатли тоғ этакларини, ҳайқириб юракларга туғён солгувчи шаршараю анҳорлари, она замин юрагидан сизиб чиқаётган шифобахш минг булоқларию турфа гиёҳларга тўла қирадирларини, қўйинги, файзиё дилкушо, дилором гўшаларини ҳаёт гуллари, тириклик — нафосат гунчалари — болажонлар хизматиға шайлади.

Ҳаммага баробар нур сочувчи қуёш — эзгулик рамзи сифатида осмонимизни тўлдирса, замин турфа неъматларга тўла жавоҳирлар сандигини очди. Болаларнинг ёзги таътили Ўзбекистонимизда қут-баракат пишиқчилик мавсуми билан уланиб кетди. Ҳа, барча-барча оилаларда ёзги таътил муносабати билан бироз ҳаяжонли, бироз режалли кунлар ҳам бошланди. Нега деганда таътил шунчаки бўш вақт эмас, балки ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам ақлан қувват тўплайдиган, мириқиб дам олиб, яйраб камолга етадиган, умрларининг бебаҳо онларидир.

Барча ота-оналар ҳам болаларини оромгоҳларда дам олдириб, сайру саёҳатларга олиб чиқишга имконлари етавермайди. Аммо барча болаларнинг ёзни завқли ўтказишга, беташвиш ҳордиқ чиқаришга, болаликнинг дилбар лаҳзаларини болаларча беғуборлик, шоду хуррамликда кечиришга ҳақлари бор. Бунинг учун аввало бувию боболар, ота-оналардан ташқари юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркору ишбилармонлар, фермеру йирик фирмалар бошқарувчилари, биз бугун бою бадавлат деб мақтанаётган мулкдорларимиз ҳам ўйлашлари жоиздир. Негаки, болаларга қилинган саҳоват, меҳр-оқибат савоби бир кунлик, бир ойлик ёки бир йиллик бўлмай умрга, эзгуликка, Ватан, миллат камалига татиғуликдир. Бундай савобга нозир бўлмоқ эса каъба зиёратидан азиз ва мўътабар. Шунинг учун ҳам келажак бунёдкорлари учун барча ўзини масъул ва маҳбуб тутсин.

Унутмайликки, болалар олами — поклик, покизалик оламидир. Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай вазиятда ҳам улар қалбларининг шохига айланиб, ўзларига мос гўзал муҳит, «шоҳона» шарт-шароит яратиб оладилар. Ишонмасангиз шоир Нозим Ҳикмат айтганидек, дунёни бир кунга бўлса-да болаларга берайлик! Энди эса ёзги таътилни қандай ўтказишни ният қилган тенгдошларимиз қалб сўзларига қулоқ тутайлик:

ХАВАСИМ КЕЛДИ

Мен учун энг севимли фасл — ёз. Унда мириқиб ўйнайман, турли сайру саёҳатларга чиқаман, дўстлар орттираман. Хуллас яйрайман.

Бу йилги таътилимнинг бир ойини тоғ этагида жойлашган оромгоҳда ўтказмоқчиман. Ҳозирданоқ унинг завқини юракдан туйиб шодланипман. Ахир янги дўстлар даврасидаги учрашувлар, суҳбатлар, мириқиб чумилишлару футбол ўйинлари, сунгра туйиб овқатланиб, топ-тоза уринларда тиниқиб ухлаш... Эҳ-ҳе буларнинг бари маза-да. Аммо, бирга тугилиб усган жонажон уртоғим Шохжаҳон ҳам қани эди мен билан бирга дам олса эди. У ёзги таътилни Бухорода ўтказмоқчи. Нега деганда, унинг киндик қони тукилган шаҳар буйил ўзининг 2500 йиллигини нишонларкан. Шунинг учун ҳам Шохжаҳон тоғаси уста Баҳодирнинг қабатида туриб, қадимий ёдгорликларни таъмирлашда унга ёрдамлашмоқчи. Уртоғимга чин дилдан ҳавасим келади. Насиб бўлса, оромгоҳдан қайтгач, Навбахор туманида яшаётган боболаримникига бориб, улар билан биргаликда қадимий Бухорони ва дўстим Шохжаҳоннинг ишларини ҳам кўриб қайтиш ниятидаман.

Шерзод ҲОТАМОВ,
Тошкентдаги 99-мактаб ўқувчиси.

БИЗ ШУНДАЙ ДАМ ОЛАМИЗ

Мен қуёш эрта чиқиб, кеч ботадиган олис Қизилқум этагида жойлашган Болтақора қишлоғида яшайман. Қишлоғимиз — менинг Ватаним, уни жуда яхши кўраман. Ёзги таътилимни шунинг учун уйимизда ўтказмоқчиман. Иккита сигиримиз, иккита бузоғимиз, учта қуйимиз, бешта товуғимиз, ун уч сотих томорқамиз бор. Ҳозир ҳовлимизнинг уртасида усган каттакон тутимиз фарқ пишган. Шамол булмаса ҳам у ерга тукилгани-тукилган. Мен уларни эринмай териб оламан. Тоza, тупроқ тегмаган, эзилмаганларини айриб, тут-

майиз қиламан, шинни пишириш учун йиғиб қуяман. Қолганларини эса товуғимизга бераман.

Тутам (бувим) қозонларни тўлдириб шинни пиширадилар. Эҳ-ҳе тутнинг шиннисини емабсиз, дунёга келмабсиз. Тутмайиз билан урикнинг данагини қушиб, эзиб, сунгра турли шакллар солиб ширинлик тайёрласангиз, қишда мазза қиласиз. Тут пишиб тугагандан кейин урикларимиз пишади. Урикларни териб, туршак тайёрлаймиз, онам билан турли хил мурабболар пишираимиз. Данақларни йиғиб шурданақ қиламиз.

Ҳали айтганимдек иккита сигиримизга опаларим Муқаллас, Ойдинлар билан ут терамиз, сув берамиз, уйларни тозалаймиз, хуллас тинмаймиз...

Бизни эртадан кечгача иш қиларкан деб уйламанг. Чаққон-чаққон югуриб юмушларимизни бажаргач, дугоналар биргалашиб усмалар қуямиз, кашта тикиб, узимизча Юлдузнинг қўшиқларини айтиб ўйнаймиз. Кичикларимиз опаларимиздан зардуз дўшлар, қийиқчалар тикишни, рўмолча четларини туқишни урганамиз. Ариқларда чумилиб яйраймиз. Айниқса иссиқ нон пиширган кунимиз дугоналар билан оқизоқ уйнашнинг завқи булакча булади.

Ҳазрат бобомиз Баҳоддин Балогардон «қулинг ишла, юрагинг Оллоҳда» булсин, деган эканлар. Биз ҳам ишлаб-ишлаб ўйнаймиз, меҳнат қилиб — роҳатланамиз, дам олиб-да кашталар тикамиз. Аслида яхши яшаш, яхши меҳнат қилишда.

Кўпроқ ишлаганимиз учун бошқалардан яхшироқ яшаймиз. Сариеғ, сут-қатик, мева-чевани ҳеч қачон сотиб олмаймиз. Уларни туйиб еганимиз учун Оллоҳга шукр, ҳаммамиз соғимиз. Ҳозирча сузимни тугатиб, сизларни қишлоғимизга таклиф қиламан. Келинлар, биргалашиб меҳнат қилиб, биргалашиб дам оламиз. Меҳнатнинг нони ширин, ҳордиги тотли булади.

Маҳбуба ҚОДИРОВА,
Шофиркон туманидаги Саъдулла Назаров номли мактаб ўқувчиси.

Тилларнинг занг
босган тилсими синди,
Дилнинг кузгусини
еритди қуёш.
Лойқаланган дарё
сувлари тинди,
Қувончдан кузларда
ҳалқаланар ёш.
Қувон-қувон турким,
дўсту қадрдон,
Бирлашмоқ онид
биз етдик омон.
Рухларда куз очар
қадим бир уммон,
Умумий уйимиз —
она Туркистон.

УМУМИЙ УЙИМИЗ — ОНА ТУРКИСТОН

ШОИРАнинг муъжазгина шеърини дафтариға гулдастадай сараланган шеърларига куз югуртира туриб, гуё нурлар тошқинидан нигоҳимиз еришиб кетгандай булди. Шеърнинг аввалидаёқ мана бу оҳорли сатрлар эътиборингизни тортади: «Дилнинг кузгусини еритди қуёш...»

Ижоднинг қутлуғ остонасида турган, ҳали ижоди гулгунча тенгдошингизнинг исми ҳам бежиз ШО-И-РА эмас. Гап шундаки, бу саҳифани ҳам шу Шоира тайёрлади. Умид шулки, ота-онасининг «Шоира қизимиз шоира булсин...» деган эзгу ниятиға фаршталар ҳам омин айтгани рост булсин!

Музаффар Туроннинг
бешта дилбанди,
Тарих китобининг энг
сара банди.
Етмиш турт йил
елгон боғлаган—банди,
Туркни асраб қолди
Яссавий панди.
Қувон-қувон турким,
қону қариндош,
Бошимизда яна
порлади қуёш.
Беш халқа ичид
синмаган иймон
Умумий уйимиз —
она Туркистон.

Тилларни дилларга
боғлаган раҳмон,
Хато учун уз қонига
доғлаган раҳмон.
Туркий қавим гуноҳларин
кечириб бугун,
Узилган йул ришталарин
боғлаган раҳмон.
Қувон — қувон халқим
ечилди тугун,
Бирлашмоқ, тиллашмоқ
кунидир бугун.
Дўстлар билан кунгил
булсин чарогон,
Умумий уйимиз —
она Туркистон.

Шоира РАҲИМОВА.



Сураткаш: Р. АЛЪБЕКОВ.

Кул қизалоқ, яйра қизалоқ,
Истиқлол, истиқбол сеники.
Орзуингдек йулинг ҳам порлоқ,
Хур Ватану иқбол сеники.

Со лом авлод юртнинг эркаси
Таътилларда яйраб, камол топ.
Буюк Ўзбекистон эртаси,
Толсингдан нур эмсин офтоб.



лади, шунинг учун ҳам улар деярли бир-бирига ухшамайди. Айниқса, кинофестиваль таралдуи, Халқаро кинобайрамнинг шакли ва мазмуни бутунлай узгача эканлиги билан фарқланиб туради. Чунки, дунёнинг турли мамлакатларида келадиган, турли тилларда сузлашадиган, турли миллат вакиллари Тошкент Халқаро кинофестивали таништиради, яқинлаштиради ҳамда КИНО деган сирли ва сехрли санъат

ништириб утсак, фойдадан ҳоли булмаса керак.

Шундай қилиб, **Исамаат Эргашев. Таниқли кинорежиссёр ва актёр.**

Сиз бу санъаткорни яхши биласиз. У киши режиссёрлик қилган «Темир хотин», «Темир эркак», «Ўғри ҳам одам», «Мариф ва Шариф», «Буюк Амир Темура» сингари фильмларни томоша қилгансиз. Исамаат акангиз бундан ташқари киноактёр сифатида ҳам машҳур. Майли, у киши турли образлар ярат-

«Юр, кинога тушамиз!» деган сузлар ҳар биримизга таниш ва қадрлон булиб қолган. Чунки, аслини олганда ҳам, кинони болаларсиз, болаларни киносиз тасаввур қилиб булмайди. Истамизми-йўқми, бутунги болалар эртанги кинотомошабинлар саналади.

Лекин, бир нарсани айтиб утишим шарт. У ҳам булса, ҳар қандай кинофестивалнинг уз улчови, уз мезони булади. Унда «бу катталарнинг фильми» е «бу болаларнинг фильми» деган гаплар йўқ.

Биз «Кино уйи»да узимизга юборилган фильмларнинг ҳаммасини танловдан утказдик.

Айни пайтда, озарбайжонлик кинематографчиларнинг «Бировнинг бахти», «Куршапалак», туркменистонлик киночиларнинг «Арчали одам», қирғиз

Бундан ташқари, шоир У. Азим билан «Севги», кинодраматург М. Тўйчиев билан «Дил давоси» деган фильмлар устида ишлаш ниятим бор.

Ҳиндистонда булганимда машҳур кинорежиссёр Умеш Мехра билан учрашдим ва ҳамкорликда фильм яратиш устида келишиб олдик. Албатта, режа бошқа, уни амалга ошириш бошқа нарса. Буни энди вақт курсатади...

«ЭРТАҚДАГИ СИРЛИ САНДИҚ» ЁКИ СЎНГИ СЎЗ...

Шундай қилиб, Тошкент катта кино байрами кунларида худди эртақлардаги «сирли сандиқ»қа ухшаб кетади. Ундан қандай ажойиботлар чиқишини ҳамон қизиқиб кутяпсиз. Мен суҳбатимиз сўнгида Иса-

Болалар ҳам эсдан чиқмаган



ган, «Наташахоним», «Сайёд занги», «Меҳробдан чаён», «Оловли соҳил» сингари ўнлаб фильмларни ҳаммасини номма-ном санаб ўтирмайлик.

Лоақал, «Меҳробдан чаён» бадий фильмидаги Мирзо Анвар ва сизлар ҳар сафар мириқиб томоша қиладиган «Еттинчи жин» фильмидаги Наби ролларини эсланг! Бўлди. Ана ўша ролларни қойилмақом қилиб ижро этган санъаткор акангиз билан фестивал кунларида суҳбатлашиб, бу суҳбатни Сизларга ҳам илингимиз келади.

«ЮР, КИНОГА ТУШАМИЗ!» ЁКИ ИСАМАТ АКАНИНГ АЙТГАНИ...

И. ЭРГАШЕВ — Эркин, яхши биласиз, ёшлигимизданок

санъаткорларининг «Буронли бекат», қозғистонлик киноусталарининг «Номус», украинalik дусларимизнинг «Репортаж», франциялик киночиларнинг «Дузах» сингари фильмларини кўрдик.

Уйлайманки, болаларни ҳеч ким унутиб қўймайди. Биз ёш узбек кинотомошабинлари учун ҳам фильмлар ва мультфильмларни кузда тугаяпмиз. Чунки, уз вақтида «Маугли», «Бэмбининг ёшлиги», «Ун икки ой», «Оқ кема» сингари фильмлар ҳам шунақа кинофестивалларда намойиш этилиб, кейин омалашиб кетган эди.

Э. УСМОНОВ — Исамаат ака, биз сизни қатор фильмларда роллар ижро этган актёр ва қатор фильмларга режиссёрлик қилган ижодкор сифатида биламиз. Кейинги пайтда қандай янги асарлар устида ишлаяпсиз?

И. ЭРГАШЕВ — Ёдингизда булса, утган йили «Буюк Амир Темура» деган фильмимизнинг биринчи қисмини намойиш этдик. Ҳозир эса ана шу йирик картинанинг давоми «Тухтамиш» ва «Йилдирим Боязид» деган тарихий фильмларни сурагга олиш таралдуидамиз.

мат акадан «Тонг юлдузи» уқувчилари учун дил сузларини айтишини сураганимда, у киши уйлаб утирмасданок «Ҳаммамиз ҳам болалик деган оламнинг вакилларимиз. Шунинг учун буни бир лаҳза булса-да, унутиб булмайди. Ва бунга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!» дедилар. Шундан кейин бир варақ қозғога қуйидаги дил сузларини эзиб бердилар.

ҲАММАМИЗ БОЛАЛИКДАН ЧИҚАНМИЗ. БОЛАЛАР ВА БОЛАЛАРИМ ДОИМ ЁДИМДА. Исамаат ЭРГАШЕВ.

Мен бу сузларни нафақат Исамаат аканинг, балки барча узбек киносанъаткорларининг ҳам юракдаги энг эзгу тилакларини деб қабул қилдим.

Халқаро Тошкент кинофестивали ана шу тилакларнинг амалга оширишига бир тўртки булмайди деб ким айта олади? Булади. Булиши ҳам керак. Чунки, ҳамини шундай булиб келган. Яъни «Ҳамма яхши нарсалар болаларга булиши керак!...»

Эркин УСМОНОВ. Тошкент

Хабарингиз бор, утган кун, 22 майда Тошкентнинг муҳташам Халқлар Дустилиги саройида тантанали суратда ун иккинчи Халқаро кинофестиваль очилди. Нуфузли анжуман меҳмонлари руйхатининг чеки йўқ: Япония, Хитой, Германия, Италия, Америка, Греция, Франция, Малайзия, Туркия, Ҳиндистон... «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида утаётган мазкур кинофестивалда таниқли киноактёрлар, режиссёрлар, санъат арбоблари қатнашишяпти.

Сиз буни «Ойнаи жаҳон» курсатуварини радиоэшиттиришларда ҳам, кундалик матбуот хабарларини пойтахтимиз Тошкент кўчаларида ҳам кўриб, эшитиб юрган булсангиз керак?!

Мустақил мамлакатимиз пойтахти Тошкент бунақа катта йиғинлару анжуманларнинг жуда купига шохид булган.

Шунга қарамай, «ҳар фаслнинг уз хислати бор» деганларидек, ҳар бир байрам е тантананинг ҳам, халқаро учрашувлару анжуманларнинг ҳам узгача файзи, узгача таровати бу-

воситасида дуслик ва биродарлик ришталарининг мустаҳкамланишига улкан ҳисса қўшади.

Кинофестиваль режаларига кура, анжуман иштирокчилари ва меҳмонлари қадимий ва навқирон пойтахтимиз билан, кейинги йилларда дунё миқёсида шуҳрат қозониб бораётган «ЎЗДЭУавто» корхонаси фаолияти, мустақил республикамиз санъаткорлари — ижодий жамоалар, фольклор-этнографик ансамбллар, узбек рассомлари ва халқ хунармандларининг кургазмалари билан яқиндан танишишяптилар.

«БОЛАЛАРНИ ЭСДАН ЧИҚАРИБ БЎЛАДИМИ?!...»

Тошкент Халқаро кинофестивалида энг ёш томошабинлар яъни кинонинг «энг ашаддий мухлислари» булган болаларни нималар кутаяпти?

Биз худди шу савол билан, «Ўзбекино» Давлат Акционерлик компанияси раисининг уринбосари Исамаат Эргашевга мурожаат қилдик.

Исамаат ака «Болаларни эсдан чиқариб буладими?» дея жилмайиб қўйди...

Шу уринда, суҳбатдошимизни сиз болаларга яқинроқ та-

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босялди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0296. 11960 нусхада босялди. Қогоз бичими — А-3. Босяннга тўшириш вақти 19.00. Тўширилди — 18.30

- Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манъилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
- Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
- Нашр курсаткичи: № 64563
- Телефон: 33-44-25